



EDUCATIONAL IMPORTANCE OF FOLK SONGS IN PRIMARY EDUCATION

Tokhtasin Rajabov

Department of Music Education. Ph.D.

Abstract

The article gives the results of the analysis of the textbooks on music for secondary schools, based on the analysis, the state of teaching of folk songs at school is studied.

Key concepts. General education, folk music, folk songs.

Резюме. В статье даны результаты анализа учебников по музыке для средних общеобразовательных школ, на основе анализа изучено состояние обучения фольклорных песен в школе.

Основные понятия: общее среднее образование, музыкальное образование, национальная музыка, фольклорные песни.

Мамлакатимиз Президент Ш.М.Мирзиёев “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” дегандаъватлари таълимнинг сифатли ва самарали ташкил этилишини, айниқса, бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчиларни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга шахс сифатида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ёш авлодни аждодларимиз анъаналари, қадриятлари ва маданияти асосида тарбиялаш, уларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда миллий-муסיқий меросимиз, хусусан, халқ кўшиқлари алоҳида ўрин тутади. Зеро, жамиятимизни маънавий-ахлоқий янгилаш, Шарқона қадриятларимизни қайта тиклаш, уларга янгича руҳ бериш мақсадида «Маънавият ва маърифат» Республика маркази ҳамда «Олтин мерос» халқаро жамғармалари ташкил этилди.





Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш-мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилидир¹”.

Ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш, хусусан, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган ҳар бир фан, синфдан ташқари олиб бориладиган ҳар бир тадбирдан ўқувчиларни маънавий-ахлоқий шакллантириш воситаси сифатида фойдаланиш ўта муҳим ва долзарб масаладир. Чунки мамлакат ва халқнинг тақдири келажагимиз вориси бўлган ана шу ёшларнинг ҳаётга қай даражада тайёр эканлиги ва уларнинг маънавий-мафкуравий баркамоллигига боғлиқдир.

Халқ қўшиқлари ҳам бошқа фолкълор асарлари каби оғзаки тарзда яратилиб, оғиздан оғизга ўтиб яшайди. Халқ қўшиқлари куйлашга мўлжаллангандир. Шунинг учун улар қўйма бўлади. Яъни халқ қўшиқлари матнида бирор ортиқча сўз учрамайди. Борди-ю қўшиқда зўраки сўзлар учраса; ямоққа ўхшаб билиниб қолади. Халқ қўшиқларида сўзларнинг бундай ўзаро мазмун ва оҳанг жиҳатидан мутаносиблик касб этиб келиши натижасида оҳангдорлик пайдо бўлади. Анашу оҳангдорлик ва оҳангдошлик қўшиққа хос куйнинг яратилиши учун асосий замин бўлади. Бундан кўринаяптики, халқ қўшиқлари одатда, ўз куйи ва оҳанги билан бирга яратилади. Унинг куй оҳангига албатта, мавзу ғоясининг таъсири катта бўлади. Яъни қандай мазмунда яратилган бўлса, унинг куй-оҳанги ўша мазмун билан мувофиқ келади. Одатда, қўшиқнинг мазмуни, унинг куй-оҳангини белгилаб беради. Бироқ баъзан таниш халқона куйлар асосида ҳам қўшиқ матни яратиш мумкин.

Хуллас, халқ оғзаки ижодида салмоқли ўрин эгаллайдиган қўшиқлар фақат куйлаб ижро этишга мўлжалланги билан ижрочи ва тингловчиларнинг диққатига тез тушади. Ҳатто аксарият қўшиқлар ўйин (рақс) воситасида маълум бир чолғу асбоби ёрдамида ижро этилиши жиҳатидан ҳам эътиборга моликдир. Болаларга ешлигидан мусиқа санъатига бўлган қизиқишини, меҳрини оширишида, мусиқий дид, билим ва тушунчалар доирасини шаклланишида халқ





қўшиқлари ўзининг соддалиги, ихчамлиги, ўйноқилиги, куйлашга қулайлиги туфайли жуда қўл келади.

Халқ қўшиқлари болалар тарбиясида уни куйлаш мусиқий фаолияти жараёнида ғоявий савиясини ҳамдабадий мазмунини англаб олиш ва ўзининг она ватанига бўлган меҳрини ошириш билан бир қаторда мантиқий фикрлаш ва мулоқотини ривожлантиришда яқиндан ёрдам беради.

Халқ қўшиқларини куйлашда мусиқий билимларни ўзлаштириш ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконияти кўпроқдир. Куйловчи болаларда бундай билимлар бевосита унинг ҳиссиёт олами орқали эмоционал асосда шаклланиб боради. Яни мусиқани тинглашдан эмоционал идрокка, ундан сўнг эса онгли тафаккурга ўтилади. Шу сабабли ҳам мусиқа асарларин ўзлаштириш жараёнида инсонни ёшлигиданоқ миллий оҳангни идрок этишга, қўшиқларнинг шеърый матнини унинг мусиқа билан қай даражада уйғунлашганини тушунишга ўргатиб бориш лозим, чунки келажак авлоднинг мусиқадан завқланиш ва бадий таассуротга эга бўлиш қобилиятларини ривожлантириш муҳим масала бўлиб ҳисобланади. Истеъдод нишонлари, зеҳн асосида шаклланадиган мусиқий қобилиятлар эса, киши шахсининг муайян бадий фаолиятига фаол иштирокининг натижасида ривожланиб боради. Шу боис мактабларда ҳам мусиқа ўқитувчилари мусиқий таълим ўтиладиган ҳар бир соатнинг мақсадини олдиндан белгилаб олиши, маълум мусиқа асарини ўргатар экан, ўқувчиларда қандай мусиқий ўқув ва малакани шакллантираётганини англаш лозим. Бироқ мактаб амалиётида мусиқий-педагогик дарсларнинг бориши ҳали ҳам давр талаби даражасида эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири мусиқа тарбияси услубиёти айрим муҳим муаммоларнинг ҳал этилмаганлигидир. Ана шундай муаммолардан бири мусиқа тарбиясининг миллий мусиқа маданияти билан ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Ўзбек халқ қўшиқлари орқали ёшларини мусиқага қизиқтиришнинг асосий етакчи воситаларидан биридир. Уларда шеърнинг ўз куйи, олдиндан таниш бўлган характери мазмуни билан тез ёқиб қолади.





Инсонда муסיқий эшитиш кўникмаси “алла” кўшиғи орқали ҳосил қилиниб, эркалалар ва овутмачоқлар ёрдамида фаол ошириб борилади. Кейинчалик, эса бола гапиришни ўргангач, ўзи ҳам бевосита ижрочилик малакаларини эгаллаб олиб, ўзининг муסיқий тасаввурларини тинимсиз ривожлантириб боради. Бундан кўриняптики, халқ кўшиқлари инсонда муסיқий билимларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун асосий пойдевор вазифасини ўтайди. Болани ёшлигидан овутиш учун уни эркалаб, дўсўрлатиб ижро этиладиган кўшиқлар ҳар бир воҳаннинг ўзига хос услубигага бўлиб асосан болагаҳурмат сифатида сиз сўзига кўпроқ урғу берилади ва тиззага кўйиб кўлга кўтариб ҳавога ташлаб эркалаб ижро этилади. Бухорода ҳозиргача ижро этиб келинаётган овутмачок кўшиқлар талайгина бўлиб унинг куйи оҳанги услуби аслигача сақланиб ижро этиб келинмоқда.

Хадўрса –дўрса-дўрса
Отаси бозорга борса
Гўшти биринж келтирса
Онаси пазанда бўлса

Ўзбек халқ кўшиқларига хос енгил куйлилик ёш авлодга, қолаверса, кишиларга муסיқани осон идрок этишга ёрдам беради. Кишиларда муסיқа тарбиясини такомиллаштириш эса, ҳамиша ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб келган, шуни айтиш керакки, ўзбек халқ кўшиқларининг композицион бутунлигини сўз, оҳанг(куй)ва ҳаракат бирлигида, шу компонентларнинг мантиқий алоқадорлигида кузатиб, ўзбек халқ кўшиқлари билан боғлиқ халқ куйларини аниқлаш, уларнинг оҳанг сифатига, темпига ва тембрига баҳо бериш, муסיқий табиатини белгиловчи асосий белгиларни аниқлаб топиш, ижроси билан боғлиқ қирраларини ўрганиш ҳамда болаларнинг ёшида мос бўлган муסיқавий асарларни уларда тарбия беришдаги родини аниқлаштириш бугунги фолкълоршунослигимиз ва муסיқа назарияси олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Бу айти пайтда, ёш авлодга муסיқадан берадиган таълим-тарбия ишларини ҳам кўнгилдагидагидек режалаштиришни талаб этади. Қолаверса, халқ кўшиқларининг оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб яшаб қолиш учун янада мустаҳкам замин ҳозирлайди.





Айтиш мумкинки, ўрта мактабларда ўтиладиган музика дарсларида қанчалик кўп халқ кўшиқларини ўқувчиларга ўргатиш режалаштирилса, шунчалик болаларда музикавий таассуротлар жонлантирилиши бу айна ҳақиқат. Улар музикавий образларни идрок этишда, музиканинг савиясини ҳис этишда, унинг оддий ифода воситалари ва ҳаётини ўрнини билиб олишда қийналмайдилар. Халқ кўшиқлари музикасини тушунишда жуда қўл келади. Уларда бу музиканинг кўшиқона турини фарқлаш учун қулай воситадир. Шунингдек ёшларда музиканинг ифода воситалари куй, музиканинг, контраст қисмлари кабилар ҳақида ҳам етарли тасаввур ҳосил қилиш учун ҳам қулайдир. Хуллас, музикадаги асосий уч жанрнинг бири бўлган кўшиқлар, халқ кўшиқлари ҳамда халқ музикалари табиатини ўрганиш учун қулай замин ҳозирлайди. Бироқ ҳанузгача на фолклоршунослик соҳасида, на музика илмида, ўзбек халқ кўшиқларининг куйлари, уларнинг ижрочилигига хос асосий хусусиятлар, белгилар тўлиқ ва яхлит ҳолда махсус ўрганилмаган. Афсуски. Музика дарсликларидан жой олган миллий куй кўшиқлар сони ва сифати бугунги кун ўқувчиларининг эҳтиёжтани тўла қондира олмайди. Тўғри, баъзан бу борада айрим фолклоршунослик бўйича яратилган илмий-назарий манбаларда, айрим фикрларга дуч келиш мумкин. Аммо халқ кўшиқлари ижрочилигига музикачининг берган баҳоси бошқача бўларди. Чунки халқ кўшиқларининг яшовчанлигида уларнинг куй-оҳанги катта аҳамият касб этади.

Халқ кўшиқлари ижрочилигининг асосий белгилари ва усуллари. Халқ кўшиқлари ижросида мавзу ва матннинг роли. Халқ кўшиқлари фолклорнинг (оғзаки бадий ижоднинг) энг оммавий жанрларидан бири бўлиб, улар анъанавий ижрочиликда ҳам замонавий ижрочиликда ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Ҳатто уларнинг яратувчилик ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин.

Халқ кўшиқлари халқ қалбининг кўзгуси, ҳам давр кўзгуси. Уларда халқнинг орзу-умиди, ҳис-туйғуси билан бир қаторда ҳаётдаги энг долзарб масалалар ўз аксини топмасдан қўймайди.

Таниқли ўзбек фолклоршуноси, ўзбек халқ кўшиқларининг илк йирик тадқиқотчиси Музайяна Алавия бу ҳақда шундай деб ёзган эди: “Халқ қайғули чоғида ҳам, шад-у хуррамлик пайтларида ҳам, кўшиқ ижод этиб, куйга солиб айтади”.



Ўзбек халқи орасида куйган ҳам қўшиқчи, суйган ҳам қўшиқчи ёки суйган қўшиқчи бўлар, куйган ўланчи бўлар деган таъбирлар мақол сифатида юритилади. Демак, бир орзу, мақсадга интилганда шунга эришиш учун олиб борилган кураш жараёнида ҳам, ғамга ботган чоғларида уни енгиш учун ҳам, меҳнатни энгиллатиш, ҳорғинликни енгиш учун ҳам, шод-у хуррамликни исҳор этиш учун ҳам, қўшиқ ижод этиб куйга солиб айтадилар. Турли даврда турли мавзуларда яратилган қўшиқлар ўз даврининг меваси бўлиши билан бир каторда узоқ ўтмишнинг тарихий ёдгорлиги ҳамдир.

“Қўшиқ” атамаси туркий “Қўшлиқ” фелининг ўзагидан ясалган бўлиб, мисрага-мисрани қўшиб куйлаш айтиш деган маъноларни англатади. Халқ қўшиқлари қандай мазмунда яратилганига, ижро ўрнига, тарзига ва вазифаларига қараб турли сифатловчилар билан биргаликда номланади. Масалан меҳнат жараёнида меҳнат қилинаётган киши томонидан ўзи бажараётган иши ҳақида, куйланадиган қўшиқлар меҳнат қўшиқлари дейилса, эркалаб овутадиган қўшиқ болалар қўшиғи бўлиб, ишқ муҳаббат мавзусидаги қўшиқлар эса лирик қўшиқлар деб юритилади ва ҳоказо.

Шундай қилиб, ўзбек халқ қўшиқлари яратилиши даврига, ижро ўрнига, ижро табиатига, ижро вақтига қараб хилма-хиллик касб этади. Мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўргатиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Халқ қўшиқлари халқ ва миллатнинг маънавий мусиқий бойлиги ҳисобланади. Ҳар бир халқ асарининг тарихи, унинг анъанавий ижроси, халқ урф-одатлари ва бошқа қадриятлари билан боғланишини ва қайси жанрга (болаларни овутмачоқ қўшиқлари, алла, санама қўшиқлари, мавсумий қўшиқлари ва ҳк.) мансублигини билиб ҳамда ундан ахлоқий хулосалар чиқариб олиш, ижро этиш маданиятини эгаллаш ўқувчиларнинг Бухоро болалар фольклор қўшиқлари орқали ўргатилиши муҳим омил ҳисобланади.

Адабиётлар.

1. М. Алавия. Ўзбек халқ қўшиқлари. - Т. ЎзРФА нашриёти 1959
2. Д. Ражабов. Т. Ражабов Халқ қўшиғи ва мусиқа ижрочилиги Илмий рисола. Тошкент Наврўз нашриёти 2018





3. Ражабов. Т. И. Описание вековых ценностей в песне “Тутовое дерево - балх” и его место в воспитании учащейся молодёжи. Межлународные образовательные и социально – культурные технологии: векторы развития. Челябинск 2019 год.
4. Ражабов. Т. И. Формирование и развитие узбекской народной лирики Вестник института культуры детства 20 выпуск Материалы Всероссийской научной конференции (с международным участием) Челябинск 2018 год 170-176 стр
5. Ражабов. Т. И. AESTHETIC EDUCATION OF STUDENTS THROUGH NATIONAL VALUES (ON THE EXAMPLE OF BUKHARA CHILDREN`S FOLKORE) European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol.8 No.11,2020 Part II ISSN 2056-5852. 237-240.стр
6. Ражабов. Т. И. Изучение узбекских фольклорных народных песен и их психологической влияние. Вестник института культуры детства Материалы Всероссийской научной конференции (с международным участием) Челябинск 2018 год 149-152 бет выпуск 17
7. Мадримов. Б. Х. Развитие музыкальной культуры в Средней Азии. Педагогическое образование и наука.
8. Ражабов. Т. И. Педагогические возможности использования детских фольклорных песен в духовно-нравственном воспитании младших школьников Вестник науки и образования. Научно-методический журнал. Российский импакт-фактор: 3,58. Москв, 2020. №5(83). Часть 2. Стр. 34-37.
9. Jamilova Bashora, Safarova Nigora, T. I. Rajabov, Nusratova Khamida, Bakieva Xilola. Basics of Uzbek Children`s Reading. TEST Engineering & Management November-December 2019 ISSN: 0193-4120 Page No. 4207-4214 Published by: The Mattingley Publishing Co, Inc
10. Madrimov. B. Kh, T. I. Rajabov, Nurullaev F. G. TEACHING BUKHARA CHILDREN FOLK SONGS IN MUSIC LESSONS AS AN ACTUAL PROBLEM Skopus: International Journal of Psychosocial Rehabilitation 6049-6056 бет Vol. 24, Issue 04. 2020 йил. ISSN: 1475-7192
11. Nurbek Erkinovich Rakhmatov (2020). Problems Of Creative Approach In The Pedagogical Activity Of Future Music Teachers. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(09), 659-664





12. Каримов.О. Значение специфических особенностей и воспитательных возможностей узбекских народных инструментов. Academy № 3 (54), 2020
Российский импакт-фактор: 0,19 НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
13. Рузиев Д.Ю. Некоторые психологические особенности развития навыков игры на инструменте и подпевания // ACADEMY. Научно-методический журнал, 2020. № 3 (54). Стр 64-67
14. Sh.U. Norova and T.DJ.Mukhamedov Educational Process Legislation and Principles and their Use in Student Practice International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192

